

ҒАРБ ПЕДАГОГИКАСИ ТАРИХИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА АКСИОЛОГИК БИЛИМЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИГИ ҲАҚИДАГИ НАЗАРИЯЛАР

Жониев Фахриддин Қўлдошев

ТТЕСИ "Ижтимоий фанлар ва жисмоний маданият кафедраси. Доченти.

XX асрнинг иккинчи ярмида аксиология замонавий ижтимоий-гуманитар билимларнинг барча соҳаларида мустаҳкам ўз ўрнига эга бўлди. Совет давлатида XX аср 60-йилларининг бошларига қадар аксиология буржуазияга хос “сохта фан” сифатида расман ман этилди. Фақат 1960 йилда В.П.Тугариновнинг “Ҳаёт ва маданият кадриятлари” монографияси эълон қилиниб, асосий аксиологик тушунчалар, табиийки, марксистик нуқтаи назардан ишлаб чиқишга асос солинди .

Замонавий педагогикада тез-тез “аксиология”, “кадрият”, “аксиологик ёндашув” тушунчалари қўлланилмоқда. Аксиологик маънога эга бўлган дастлабки фалсафий тушунчалар антик фалсафа ибтидосидаёқ бошланғич онтологик категориялар билан биргаликда юзага келди. Аксиология тарихида Аристотель ахлоқий фикрларининг асосий масаласи: одам бу дунёда қандай яшамоғи лозим. Эзгулик ва гўзаллик учун умумий бўлган мақсадга мувофиқлик тамойилининг Аристотель томонидан киритилиши баҳолаш тушунчалари (“яхши” ва “чиройли”)дан идеал кадриятлар даражасига кўтарилади . Тўғри, аксиологик қарашлар қадимги юнон этикаси жамиятида ўзига хос ахлоқий кадрият йўналишлар ёки хулқ моделларининг амалий жиҳатдан бутун бир туркумини берган: 1) Демокрит ва Аристотель олий кадрият сифатида одамлар бахт-саодатини таъминлашга чақирди; 2) Аристипп гедонизмга (хиссий роҳатланиш) даъват қилди; 3) Антисфен ва Диоген инсон эҳтиёжларини табиий бирламчи асосга (зоҳидлик) олиб келишни талаб этишди; 4) Сукрот эзгулик ва билимларни тенглаштирди. Унинг қарашлари ахлоқий интеллектуализм деган ном олди; 5) софистлар шахсий манфаатлар, шахс ўзбошимчилиги (волюнтаризм)нинг ўрни ва ролини мутлақлаштиришди; 6) Платон “эзгулик”ни олий универсал кадрият сифатида баҳолайди: “Эзгулик моҳият эмас, бироқ, кадр-қимматига кўра, кўкларга кўтарилган моҳиятдан юқори туради. Шу боис эзгулик ғоясисиз бутун инсоният билимлари, хатто энг мукаммаллари ҳам мутлақо бефойда бўлур эди” . Платон қарашларини мушоҳада қилувчилар уни маънавий фаолиятга йўналтирди, унинг шогирдлари бўлган неоплатониклар ахлоқий-покловчи зоҳидликни талаб қилди ва ҳоказо.

Онтологик давр охирида Т. Кампанелла “Метафизика” асарида гўзалликнинг ўзига хослигини инсон маънавий қадриятларига етакловчи ва ташувчи сифатида содда ва аниқ ифодалайди. – “Гўзаллик, – деб ёзади у, – табиат ёки санъатдаги илохий эзгулик белгисидир... Гўзаллик эзгулик, фойдалилик, олижаноблик ёки ёқимlilik белгиси. Хунуклик эса ёвузлик, бефойдалилик, номуссизлик ёки ёқимсизлик белгиси саналади. Инсон эса –энг яхши ва олий мавжудот, дунёдан ҳам олийроқ...” .

Инглиз файласуфи Ф. Бэкон ўзининг кенг қамровли “инсоний билимлар” таснифи ва унга асосланган фанлар, масалан, музика ва тасвирий санъатни инсон танаси ҳақидаги бўлим (тиббиёт, косметика ва атлетика (жисмоний машқ) билан бир қаторда)га киритган эди. Голланд файласуфи Б. Спиноза “Этика” асарида барча қадрият тушунчаларига салбий муносабат билдирди, чунки улар яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик, тақдирга лойиқ иш-хизмат ва гуноҳ, мактов ва иснод, тартиб ва бетартиблик ҳақидаги инсоний хурофотлар бўлиб, чинакам билишга ва одамларнинг ўз бахтига эришишига ҳалақит беради, деб таъкидлайди. Шунга қарамай, иккинчи босқичнинг охири, хусусан, XVIII–XIX асрларда гносеологик фалсафа қадриятларга анча ҳурмат билан эътибор кўрсатади. Бу борадаги қатъий хулоса И. Кантга тегишли бўлиб, ушбу аллома билишнинг субъекти сифатида инсон фаоллиги муаммосини ишлаб чиқади ва қадриятли-амалий онгни нафақат назарий онгга қарама-қарши қўйди, шу билан бирга биринчисини гносеология ташқарисига олиб чиқди. Натижада, билиш ва исташ қобилияти номувофиқ бўлган инсон олами бир-бири билан боғлиқ бўлмаган мавҳум билиш ҳамда маънавий қадриятларнинг механик зарурияти ҳамда ахлоқий озодлиги узилишига дучор бўлди. Кант фалсафасининг ўзи гносеология (“Соф ақл танқиди”) ва этика (“Амалий ақл танқиди”)га бўлингани каби инсон ҳаёти идеали ва маъноси мавжуд бўлишга ҳамда бўлмоғи лозим деган қисмларга ажралди .

Гегель Кантдан фарқли равишда ўз фалсафий тизимини билиш, баҳолаш ва қадриятларнинг ўзаро мазмуний алоқаси асосида қурди. Уларнинг уйғунлашуви учун мақсадга мувофиқлик тамойилидан фойдаланди. Унда мақсад ғояга йўналтирилади, ушбу ғоя тушунчалар мантиғини мақсадга мувофиқ воқелик орқали объектив реаллик билан бирлаштиради. Шу боис гегелча ғоя “икки ёқлама қиёфа” бўлиб гавдаланади. Мазкур ғоя ўз мазмунига кўра, билиш ва баҳолаш, ҳақиқат ва қадриятлар бирлигидаги инсон онгидан бошқа нарса эмас. Гегель ушбу бирликни “билиш” деб ҳам атайди, бироқ юқори даражадаги, ўзида “худди шундай” ҳақиқатни ташувчини кўзда тутаяди .

Фалсафада аксиологик босқич Р.Г.Лотценинг “Микрокосмос” китоби уч қисмининг пайдо бўлиши (1856–1864) билан расман бошланган деб ҳисобланади. “Аксиология” атамаси (юнонча *axios*– қадри, *logos*– тушунча, таълимот) XX аср бошларида муомалада фойдаланила бошланган. 1902 йилда эса француз файласуфи Э.Гартман уни илмий луғатга киритган эди. Диний ренессанс фалсафаси дунёни қадрият асосида кўришнинг чинакам кашф этилиши бўлди. Файласуфлар қадрият, шахс ва жамият ўртасидаги чуқур боғлиқликни кўрсатиб берди. Аммо, архаик давр педагогикасида аксиологик билимларнинг қўлланилишида Аристотель ва Луций Анний Сенека мактабларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Ушбу олимлар ўз асарларида замонавий аксиология тушунчасидан фойдаланмаган бўлсаларда, инсон одоб-ахлоқини олий қадрият сифатида шарафлаб, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда аксиологик категориялар таркибига кирувчи тушунчалардан кенг фойдаланган. Шахс ахлоқий тарбиясини дастлаб тартибга солиб уни қадрият даражасига кўтарган Аристотель (эр. авв. 384-322 йй) ўзининг “Никамол этикаси” ва “Сиёсат” асарларида бу муаммоларни назарий жиҳатдан ишлаб чиққан мутафаккирлардан бири ҳисобланади. Файласуфнинг “Методика”, “Метафизика”, “Жон ҳақида”, “Поэтика”, “Осмон ҳақида”, “Физика”, “Риторика”, “Севги ҳақида” ҳамда “Уйку ва бедорлик ҳақида” асарлари шундай асарлар сирасига киради. Аристотель мангу мавжуд ғоялар ҳукмронлигини рад этади, ахлоқий тушунчаларни таҳлил қилиб, улардаги умумий мазмунни топишга ҳаракат қилади, ахлоқшунослик тушунчаларининг илмий таснифи (классификацияси)ни ишлаб чиқди муаммоларни изчиллик билан ифодалаб берди.

Аристотель шахс камолотининг сабабини ахлоқий тарбияда, деб билсада, аслида у “аксиологик меъёрийлик” йўналишининг илк намоёндаларидан бўлган десак, асло адашмаймиз. Алломанинг фикрича, олий даражадаги ахлоқий камолот соҳибигина ўзининг тўкин ҳаётини таъминлай олиши мумкин. Аллома юксак ахлоқий нормаларини белгилаб беради. Аристотель этикани ахлоқни ўрганадиган амалий фан деб, жамият ҳақидаги фанларнинг бир тури деб қарайди. Унингча барча ахлоқий фазилатлар адолат, дўстлик, муҳаббат, мардлик, мўътадиллик, сахийлик, сулҳпарварлик, хушфезллик ва ҳоказолар фақат инсон фаолиятида намоён бўлади. Шунинг учун барча ахлоқий фазилатлар ижтимоийдир, – дейди Аристотель. У инсондаги бу фазилатлар тарбия жараёнида шаклланиши мумкин. Аллома Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда: “Ал-ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт– ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур” .

Ҳаётда бирор-бир ютукка эришиш учун фақат билимларни эгаллашнинг ўзи камлик қилади. Инсон жамиятда соғлом ижтимоий муносабатларга киришиш учун зарур бўлган самимийлик, киришимлилик, билимдонлик, тadbиркорлик сифатларига эга бўлмаса фаолиятнинг самарадор бўлишини таъминлай олмайди. Аристотель оилани тарбиядан четлаштирмайди, "...ахлоқий тарбия бериш, асосан, оиланинг зиммасида бўлиши керак...", табиат инсон кўлига қурол – ақлий ва ахлоқий куч берган, аммо шу қуролни тескари томонга ҳам ишлатиш мумкин" - дейди, инсонни баркамолликка эришиш назарияси устида ишлаб, уни такомиллаштиришга улкан ҳисса қўшган файласуф. Бу борада буюк Шарқ мутафаккири Абдурауф Фитрат: "Болаларнинг баркамол тарбияси учун фақат оилагина жавобгар бўлмасдан, балки бутун қавм аъзолари масъулдирлар, чунки ёшлар ҳар томонлама етук инсон бўлиб тарбияланса, қавмнинг келгуси тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлади" - деб таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам, инсон ўзининг "ижтимоий мавжудот" эканини англаганидан бери эзгулик, меҳр, ҳурмат, адолат ҳақида фикр юритиб, турли қарашларни билдириб келинади. Адолатнинг худудий, миллий ва этногуруҳий чегараси мавжуд эмас, агар турли қарашлар қиёсланса, уларнинг барчасида зўравонликни тийиш, бир кишининг иккинчиси устидан ҳокимлик қилмаслигини таъминлаш, ҳар кимнинг инсон сифатида яшаш ва қилган меҳнатига яраша тақдирланиш имкон бериш асосий талаб эканлиги аён бўлади. Шунинг учун таъкидлаш мумкинки, адолат – эзгулик, меҳр ва ҳурмат каби инсоният тарихидаги дастлабки бахтли ва фаровон ҳаёт модели сифатида барча халқлар, этнослар ҳамда гуруҳлар қабул қилган умуминсоний қадриятдир. Аристотель ахлоқий фазилатлар билан бир қаторда инсон учун муҳим бўлган ақлий фазилатлар – билимдонлик, донишмандлик ва бошқаларга катта аҳамият беради, аммо ахлоқий фазилатларни ақлий фазилатларга бўйсундирган ҳолда ифода қилади. Ушбу аллома инсонда ақлий фаолиятнинг устун қўйилишини қадрият сифатида тан олади ва ҳар бир киши асосан, қўлидан келадиган ва ўзига ярашадиган ишга уриниши зарурлигини уқтиради.

Маълумки, Аристотель "Ғоялар ва соялар дунёси таълимоти"нинг асосчиси ҳисобланади. Унинг фикрича, инсоннинг ахлоқий такомил жараёнидаги ғоялари бу – образлар, унинг юзага келишидаги бошқа барча воситалар эса иштирокчилар. Шу сабабли, бирор-бир фикрни баён этишда суҳбатдош тушуниши учун албатта, ғояларга таянмоқ лозим, деб ҳисоблайди. Ушбу мушоҳадалар асосида Аристотель ўзининг илмий меросида этика (ахлоқшунослик)га оид 3 та катта асарни ёзиб қолдирган: "Никамол этикаси", "Евдемова этикаси" ва "Катта этика". Ушбу асарларида аллома ахлоқий

мукаммаллик тамойилларини илгари суриб, ҳар жихатда “ҳаракатда” бўлмоғи кераклигини таъкидлайди. Аристотельнинг фикрича, ҳаракат абадий сабабдир, айти пайтда, олам ўзининг абадий сабаби, яъни ҳаракатлантирувчи кучига эга . Бунинг учун эса, эзгу фикр, яхши сўз ва яхши ҳаракат қилмоқлик жоиздур, бу донолик белгисидур, деб ҳисоблайди. Умуман олганда, Аристотель меросининг бугунги глобаллашув даврида салмоқли ўрни унинг аксиологик ғояларга йўғрилган асарлари туб моҳиятида ётади. Уларни таҳлил этиш ва ўрганиш файласуфлар олдида турган асосий масалалардан бири бўлмоғи керак. Қадимда ўз даврининг буюк алломаларидан бири бўлган Сенека Луций Аннийнинг ёзган ахлоқий хатларида: “Муваффақиятларга инсон ўз-ўзини англаши, ички ‘мен’ига кулоқ тутиши, ҳаётда юз берадиган барча синовларни мардона енгиши, жасоратли, мард, соғлом ақл эгаси бўлиш орқалигина эришиш мумкин” , деб эътироф этади. Сенеканинг муваффақиятга эришиш концепцияси бу – маънавий жасорат эгаси бўлиш билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларига кўра, архаик тасаввурларда аксиологик қарашлар қадрият категорияси сифатида талқин этилиб, инсон руҳиятининг ахлоқий тақомилида деб қабул қилинган кўринади.

Ёшлар муаммолари хориж тадқиқотчиларидан Ш. Бюлер, Э. Шпрангер, Х. Зельцман, И. Песталоцци, О. Гуммерц ва Т. Циен кабиларнинг асарларида кенг таҳлил қилинган. Жумладан, Ш. Бюлер ёшларнинг кундалик дафтарларини таҳлил қилиб, уларнинг шахс сифатида ва психофизиологик етишиш жараёнларини кўрсатиб ўтади. У ёшлик даврини 21–24 ёш оралиғида, деб белгилайди. Ушбу ёшда Ш. Бюлернинг фикрига кўра, “шахснинг характери ва қизиқиши кескин кўринишда бўлади, интеллект ўзининг ҳақиқий чўққисига чиқади, ирода ҳақиқий кучга тўлади. Мазкур даврда эҳтирослар, мақсадлар, идеаллар ва шахс шаклланади” . Файласуф, психолог ва педагог Э. Шпрангер “ёшлик даври руҳий тузилишининг тўла тасвири”ни яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган . У Ж.Ж.Руссонинг “ёшлик шахснинг иккинчи туғилиш даври” деган фикрига таянади ва ушбу даврда шахс ўзининг “мен”ини топиш, ҳаётий режалар тузиш, ҳаёт, сиёсат, дин, ахлоқ ва жинсий ҳаётга фаол муносабатда бўлади, деб кўрсатади . Ф.Ницше ва В.Дильтейнинг айрим ғояларини ёшлар ҳақидаги қарашларга тадбиқ этиб, Э.Шпрангер шундай ёзади: “Пастда эмас, балки юқори поғонада бўлиш, ироданинг ҳокимият ва ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиши биринчи навбатдаги, асосий кўрсаткичдир, демак, ҳаётий режалар тузишга ҳаракатлантирувчи турткидир, кучдир” . Э. Шпрангернинг ёшлар юқори сиёсий вазифа ва ташкилотларда иштирок қилишдан узоқроқ бўлиши зарур , деб билган эди.

АҚШда С.Холл, Д.Кемпбелл, К.Хорни, Р.Бенедикт ва Д.Аусубел каби тадқиқотчилар ёшлар муаммоларини ўрганишда муҳим ютуқларни қўлга киритдилар. Масалан, С.Холл ёшликни “шахснинг иккинчи туғилиши” даври деб атади. Унинг “ёшлик бўронлар ва тўқнашувлар даври” ибораси илмий адабиётларга ёшлар психологиясини тўла очиб берувчи таъриф сифатида кирган. Д.Аусубел ёшларга хос психобиологик ва маданий-маънавий ўзгаришлар жараёнларини тадқиқ қилиб, ёшларга ўзига хос бўлган кадриятларни яратиш хослигини қайд этади. Ушбу кадриятлар ёшларнинг ўзига, ён-атрофга, оиласига, тенгқурларига муносабатларида акс этади. Ёки Д.Кемпбелл эса ёшлик даврида шахс ўз “мен”ини гўдак тасаввуридан ажратади”, “реал борлиқ билан ҳаётий кадриятлар ўртасида сезиларли фарқлар бўлади”, деб ҳисоблайди. Ушбу ёндашувлар ёшлар масаласига ҳар ёқлама муносабатни ифодалайди.

Фалсафий ва социологик тадқиқотларнинг деярли барчасида у ёки бу даражада В.Дильтей, М.Вебер, К.Мангейм, А.Камю, Э. юркгейм, Г.Зиммель ва Т.Парсонслар ижодининг таъсири сезилади. Агар В.Дильтей “ҳаёт фалсафаси” орқали ёшлар, шахс шаклланиш жараёнларини тадқиқ этиш концепциясини илгари сурган бўлса, М.Вебер эса тузумни протестант этикаси орқали танқид қилади ва ўзига хос “кадриятлар этикаси”ни яратади. Бу эса ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантиришдаги муҳим омилдир. XX асрнинг 60-йилларида кўтарилган ёшларнинг турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатлари муаммони жамият мақсади ва манфаатлари билан боғлаб ўрганишни тақозо этди. Психоаналитик, психобиологик ва антропологик ёндашувлар ижтимоий (социологик) ёндашув билан уйғунликда ўрганиладиган бўлди. Бу ўринда Л.Розенмайер, Г.Вурцбахер, Г.Кройтц, К.Аллербек ва Г.Гризенинг тадқиқотларини алоҳида қайд этиш керак. Уларда бир томондан, мавжуд тузумдаги салбий ҳолатлар, ёшларнинг “ўз ҳолига ташлаб қўйилгани” танқид қилинса, иккинчи томондан, ёшларни “алоҳида табақа” сифатида қараш, мавжуд муаммоларни ноформал гуруҳлар ва уларга хос маданий масалаларни ўрганиш орқали ҳал қилишга интилиш кўзга ташланади. Масалан, Г.Кройтц мавжуд тузум ва унинг ёшларга муносабатларини кескин танқид қилиш йўлидан борган бўлса, Г.Гризе эса ёшларнинг норозилик ҳаракатлари ҳақидаги қарашларини “Ёшлар ёшлик босқичлари ва табиат маҳсули эмас, балки ўзининг кўриниши нуқтаи назаридан тарихий жараёнлар билан боғлиқ ижтимоий-маданий ҳодисадир, деб эътироф этади. Шунинг учун Г.Гризе ёшлар муаммосига ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий нуқтаи назарлардан ёндашиш зарур, деган хулосага келади. Бу эса аввалги ёндашувлардан ижтимоий йўналтирилганлиги билан фарқ қилади.

Ижтимоий ёндашув ёшлар муаммосига оид конфликтология назариясини вужудга келтиради. Унинг илмий масалалари тадқиқотчилардан Б.Буххофер, Й.Фридрихс, Г.Людке, Ф.Найдгард ва Р.Дарендорф асарларида таҳлил қилинди. Жумладан Ф.Найдгард ёшликни бир ёшдаги шахсларнинг ижтимоий табақаланиши, яъни уларнинг ижтимоийлашуви ва жамият поғоналарида турли ўринларни эгаллаши билан боғлаб талқин қилади. Унинг фикрига кўра, жамият ушбу табақалар ўртасидаги фарқларни, қарама-қаршилиқларни, роллар ўртасидаги зиддиятларни йўқотиши зарур. Бизнингча, ушбу фикр ниҳоятда прогрессив аҳамиятга эга.

XX асрнинг 70–80- йилларида эса Ғарб фалсафаси ва социологиясида “янги консерватизм” оқими юзага келди. Ушбу оқимнинг йирик вакиллари А. Бэлл, Г. Кан, З. Бжезинский, Г. Шельский, К. Штейнбух ва Й. Дитцлар эди. Айнан ўша даврларда Г. Маркузе ва Франкфурт мактабининг вакиллари “ёшлар исёнининг ғоявий назариётчилари” сифатида майдонга чиқдилар. Бироқ, ёшлар ҳаракати ўзининг ҳеч қандай сиёсий дастурига эга эмас эди. Ушбу ҳаракатга илмий-назарий тус бериш, уни “субкультура” ва “турли гуруҳ” (“peer group”) категориялари билан асослаш Т. Парсонс, Д. Колеман, А.Коэнц ва В.Миллер томонидан амалга оширилди.

Ғарбий Европа тадқиқотчиларининг изланишлари кўпроқ социологик характерга эга бўлиб, уларда ёшлар ўз кадриятлари, қизиқишларига эга алоҳида гуруҳ, ҳатто синф сифатида қараш мавжуд. Бироқ, уларда ёшлар эъзозлайдиган кадриятлар, нормалар ва турмуш тарзи кенг ижтимоий муносабатлар сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг таъсири эмас, балки индивид, гуруҳ ҳамда маълум бир қатламнинг ички функционал хусусиятлари ва қизиқишларининг белгилари сифатида қаралади.

Таъкидлаш керакки, ҳозирга қадар аксиология муаммосини ўрганишга ҳаракат қилинган, лекин махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.